## 22 АПРЕЛДА В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУНГА 121 ЙИЛ ТЎЛАДИ

# ТАБАРРУК НОМДА

Хўжалигимиз меҳнаткашлари шу кунларда ўзга куч, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Улар колхозимиз Ленин номи билан аталаётганлигидан ҳақли равишда фахрланадилар. Коммунистлар ибратли фаолиятлари, ватанпарварлик ташаббуслари билан улуғ номни эъзозлашмоқда. Бошланғич партия ташкилоти жанговарлиги ортиб бораяпти. Хўжалик бошқаруви, касаба уюшмаси комитети барча соҳани бирдек ривожлантириш, ноз-неъмат бунёдкорларининг унумли ишлаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароитни муҳайё этмоқда. Асосий тармоқ пахтачиликка илғор иш усуллари, фан ютуқлари тобора кенг жорий этилаяпти. Ўтган йили омилкорлик туфайли давлатга оқ олтин топширишда илдам қадамлар қўйилди. Қабул пунктларига 7.100 тонна ўрнига 7.700 тонна оқ олтин етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектарига 30 центнерни ташкил этди. Умумий даромад биринчи маротаба 9 миллион сўмдан ошди.

Айни кунларда дала ишлари қизғин олиб бориляпти. Қувончлиси шуки, пахтачилик билан бирга пиллачилик ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда. Умуман вилоятимизда ажойиб кумуш тола ижодкорлари жуда кўп. Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигидан Баҳром Ҳайруллаев, Паст Дарғом районидаги Навоий номли колхоздан Хосият Ҳамидова, Иштихон районидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигидан Адашой Эшқувватова кабиларнинг иш тажрибалари кўпчилик мулкига айланмоқда.

Районимизда ўтган йили кумуш тола етиштиришда яхши натижаларга эришилди. Режадагидан кўп—376 тонна пилла тайёрланди. Катта хирмонга колхозимиз 47 тонналик пилласи билан ҳисса қўшди. Бу йил масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик кўрдик. Тутзорларга ишлов берилиб, парвариши ўрнига қўйилди. Кўплаб тут кўчатлари ўтқазилди. 800 қути қурт уруғига мўлжалланган инкубатория сифатли ремонт қилинди. Тажрибакорлар ипак қурти боқишни ихтиёр этган хонадонларда тушунтириш ишларини олиб бордилар. Бу хом ашёнинг харид нархи оширилганлиги қувончли ҳол. Энди бир килограмм олий нав пилла учун 25 сўм саксон тийин тўланади. Демак, сидқидил тер тўкиб, мўмай даромад олиш мумкин.

Очиғини айтиш керак. Ҳар йили мавсум олдидан ишлар ғоят тиғиз бажарилади. Қуртхоналарни тартибга келтириш, қуртлар пилла ўрайдиган махсус дасталар топиш аёлларимизнинг тинкасини қуритади.

Қийинчиликларни омилкорлик билан енгаяпмиз. Шу ўринда соҳа агрономи Муҳаббат Шодиева фаолияти хусусида тўхталмоқчиман. Унинг жонкуярлиги, уддабуронлиги ҳал қилувчи дамларда муҳим омил бўляпти. Агроном пилла етиштиришнинг сир-синоатини кишиларга қунт билан тушунтиради, муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатади. Бу каби фидокорлар туфайли пиллачилик йил сайин ривожланаяпти. Қумри Долиева, Зебо Рўзиева, Манзура Аллаёрова каби кумуш тола ижодкорлари ҳар қути қурт уруғидан камида 80 килограммдан хом ашё топширишга аҳд қилишган.

**О. УМАРОВА,**
**Каттақўрғон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги пиллачиси.**



# ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти А. Акрамов ва Қ. Авлиёқуловнинг «В. И. Ленин. Туркомиссия ва Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши» номли китобини чоп этди. Мазкур асарнинг аҳамияти шундаки, унда ўзгача сиёсий тафаккур, янги ёндашув асосида, энг аввало, В. И. Ленин ва Туркомиссиянинг Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борган фаолияти илмий жиҳатдан ёритиб берилади.

Китоб муаллифлари мақсадга тўла эришилди, деб ҳисобламайдилар, лекин келтирилган бой ҳужжатлар ва далиллар уларнинг катта иш қилишганидан далолат. Шу билан бирга ҳозирги вақтда В. И. Ленин, Туркомиссия аъзолари фаолиятига турлича қарашлар борлигини ҳисобга олганда, муаллифлар ўз қарашларини дадил ифодалаганлар, деб ҳисобласак бўлар.

Тақриз қилаётган китобимизда тарихимизнинг шу чоққача ёритилмай қолган муҳим томонларига эътибор берилганлиги унинг қимматини оширади. Бу ерда гап аввало, В. И. Ленин ташаббуси билан тузилган РКБ (б) Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг Марказий бюроси фаолияти тўғрисида боради. Тарихчиларимиз Марказий бюро ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятларини илмий жиҳатдан батафсил ёритишга уринишмаганди. Афтидан, маъмурий-буйруқбозлик мафкураси ҳукмрон бўлган даврда бизни «мусулмон коммунистлари», «мусулмон коммунистик ташкилотлари» деган сўзларнинг ўзи чўчитган. Мазкур асарда эса инкор қилиб бўлмайдиган далиллар, ҳужжатлар асосида РКП (б)нинг мусулмон коммунистик ташкилотлари РКП (б) Марказий Қўмитаси қарорлари, низомлари асосида ташкил этилганлиги қайд этилган. Улар туркий тиллардаги халқларнинг сиёсий ҳаётида катта иш олиб борганини, партия ишини туркий халқларнинг анъанаси, урф-одатларига яраша мослаштиришда, ерли халқлар она тилларида РКП (б) ғояларини, Совет ҳукумати қарорларини тарғиб қилишда, марксистик сиёсий адабиётларни нашр этиш ва тарқатишда катта роль ўйнаганларини исботлайдилар.

Уларнинг фаолияти бу билан чекланмайди. Китобни ўқиган киши Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда, коммунистик ташкилотларни тузишда, уларнинг ғоявий-сиёсий билимини оширишда РКП(б) мусулмон коммунистик ташкилотларининг фаолияти катта бўлганини билиб олади. Ушбу илмий асарда РКП (б) Туркистон ўлка мусулмонлари бюроси фаолияти ҳам атрофлича ёритилган. Агар Марказий бюро, Россиянинг 55 губернияси, йирик шаҳарларида, уездларида тузилган мусулмон коммунистик ташкилотлари 1918—1921 йил апрелигача ўз фаолиятини давом эттирган бўлса, РКП (б) Туркистон ўлка мусулмонлар бюроси 1919 йил мартидан то 1920 йил бошигача ўлка сиёсий ҳаётига раҳбарлик қилди. У мусулмон коммунистларини, меҳнат аҳлини Қизил Армиянинг миллий қисмларига, ўлкани бошқариш ишига жалб қилиш, шовинизм ва миллатчиликка қарши курашиш, маданий ўчоқлар ташкил этиш, аҳолининг саводхонлигини ўстириш, умуман янги ҳаётни қуриш каби муштарак ишларда фаол қатнашиб халқ орасида катта обрў қозонган эди. Унинг фаолиятида мустамлакачилик қолдиқларига қарши курашиш ҳам муҳим ўрин эгаллади. Бу ҳақда асарда ишончли далиллар келтирилган.

Муаллифлар РКП (б) Туркистон ўлка мусулмонлар бюроси 1920 йил бошида вақтидан илгари тугатилгани ҳақида оқилона фикр юритадилар. РКП (б) МҚ Туркомиссия раиси Ш. Элиада номига 1920 йил 14 январда йўллаган телеграммада ўлка мусулмонлар бюроси ТКП ўлка қўмитаси билан қўшиб юборилганлигини ўз вақтидан илгариги иш деб ҳисоблаймиз. РКП (б) Туркистон ўлка мусулмонлар бюросига «маҳаллий ҳаётнинг энг муҳим масалаларини ҳал этиш ҳуқуқи берилсин»... дейилган эди.

Афсуски, Туркомиссия РКП (б) МҚнинг бу кўрсатмасини бажармади, бу ҳақда китобда кенгроқ фикр юритиш керак эди. Асарда шовинистларнинг Совет ташкилотларига маҳаллий меҳнаткашларни тенг мутаносиб вакиллик асосида жалб қилиш тўғрисидаги РКП (б) МҚнинг 1919 йил 10 июль қарорини бажаришга тўсиқ бўлганини асослаб берган далиллар келтирилиб, шовинизмнинг разил мақсадлари фош қилиб ташланади.

Китобдаги қимматли фикрлардан бири ўлкада пролетариат диктатурасини амалга оширишдаги хатолар очиб берилишидир. Улардан маълум бўлишича, Туркистонда пролетариат диктатурасини ўрнатиб бўлмас эди, чунки ерли халқлар орасидан чиққан ишчилар сон жиҳатдан ғоят кам эди. Бу ерда Совет ҳокимиятини тузишда аҳолининг синфий ва миллий ҳайъати билан ҳисоблашиш, бунинг учун ерли миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқини эътироф этиш, деҳқонлар, меҳнаткашлар кенгашини тузиш зарур эди. В. И. Ленин ҳам худди шу фикрни — яъни деҳқонлар Совети ғоясини асослаб берган эди.

Асарнинг яна бир томони шуки, унда Шарқда байналмилал тарғибот олиб бориш ва ҳаракат кенгаши (Совинтерпроп) фаолияти ҳам катта ўрин эгаллаган. Умуман олганда, бу кенгаш фаолияти шу вақтгача ўрганилмай келинган, ҳолбуки, китоб материалларидан кўриниб турибдики, бу кенгаш Хива ва Бухоро инқилобини тайёрлашда, уларнинг ғалабасини таъмин этишда ғоят катта роль ўйнаган эди.

1919 йил декабрда тузилган Совинтерпроп Туркистон, Хива, Бухоро, Туркия, Эрон, Хитойнинг коммунистик ва инқилобий партияларини ўз сафида бирлаштириб, уларга таяниб ўз фаолиятини давом эттирган эди. Бу кенгаш ишининг энг муҳим натижаси Хива ва Бухоро инқилобининг 1920 йилги ғалабаси бўлди. Совинтерпроп ёш хивалик ва ёш бухоролик инқилобий партияларга ёрдам берди, улар фаолиятини қўллаб-қувватлади. Бу партияларга шу мамлакатларнинг ўз ичида етишиб чиққан сиёсий партия, деб қаради.

Асарда ягона қизил Армия сафида Туркистонда ўзбек, туркман, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ миллий қисмлари тузилгани, уларда раҳбарлик ишлари шу халқлар миллий тилларида олиб борилганлиги, қисмларни тузишга В. И. Ленин, Туркомиссия катта эътибор бергани, 1920 йи 20 сентябргача, бу миллий қисмларга Туркистон бўйича 31.113 ўзбек, туркман, қирғиз, тожик, қозоқ ва бошқа миллат ва элатлар ёзилгани кўрсатиб берилади.

Мазкур илмий асар камчиликлардан холи эмас. Хусусан унда 1922—23 йиллари бу минтақада юргизилган ерли аҳолига «сиёсий ён бериш» сиёсати ёритилмай қолган. Бу «сиёсий ён бериш» деганда биз мачитларга қарашли ерларни диндорлар ихтиёрига қайтаришни, қози судловини тиклашни, руҳонийлар мактаб ва маданият ишини ташкил этишга жалб қилинганини, Қуръоннинг Тошкентга диний маҳкама ихтиёрига қайтарилганлигини кўзда тутяпмиз.

**К. НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори.**

*

**Шу апрель кунларида В. И. Ленин Марказий музейининг Ленинграддаги бўлими ҳам одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга ташриф буюраётганлар доҳий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина нодир, тарихий ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишишмоқда.**

**СУРАТДА: музей залларидан бирида.**

ТАСС фотохроникаси.

*



*ҲАШАР—ЭЛГА ЯРАШАР*

# МУШТАРАК МАҚСАД

**Гагарин районидаги «Комсомолобод» пахта тозалаш корхонасида турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар ўртасидаги дўстлик, қон-қардошлик ришталари мустаҳкам. Мамлакатимизнинг тўқимачилик корхоналарига сифатли пахта толаси етказиб берилаяпти. Ундан тайёрланган газламалар барчага манзур. Ўтган йили қарийб 39 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тўқимачилар гагаринлик тайёрловчилардан 11,4 минг тонна сифатли тола, 189 тонна момиқ олдилар. Амалдаги йилнинг биринчи кварталида белгиланган топшириқлар ҳам муваффақиятли уддаланди.**

**Аҳил жамоа В. И. Ленин таваллудининг 121 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган бугунги ҳашарда фаол қатнашиб, юқори иш унумдорлигига эришиш, қутлуғ анъанага садоқатини намоён этишга аҳд қилган. Мухбиримиз корхонада бўлиб, турли миллат вакиллари билан ана шу хусусда суҳбатлашди.**

**Хонимқул Чоршанбиев, тайёрлов бўлими иқтисодчиси, меҳнат фахрийси:** — Куч-қудратимиз дўстлик, биродарлик сарчашмаларидан сув ичади. Буни корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Қарийб 30 йилдан бери шу ерда меҳнат қиламан. Заводнинг оёққа туриши, шаклланишида озми-кўпми ҳиссам бор. Ўзбек, тожик, туркман, татар, немис, қозоқ каби миллат вакиллари туғишгандек бўлиб қолганмиз. Ана шу меҳр-оқибатимиз, ўзаро ҳурматимиз, аҳиллигимиз йўқолмаслигига имоним комил. Тўй-томошалар ўз йўлига, ташвишли онларда ҳам бир-биримизга суянчиқмиз.

Умумхалқ ҳашарига пухта ҳозирлик кўрилди. Ишчи-хизматчиларимиз унда қалб амри билан иштирок этишга аҳдлашганлар. Мақсадлар муштараклиги яна бир бор синовдан ўтади. Ҳашардан тушган маблағни маданий-маиший эҳтиёжлар учун сарфлаймиз.

**Ольга Можаева, корхона кадрлар бўлимининг бошлиғи:** — Хонимқул аканинг фикрига тўла қўшиламан. Ўзбеклар меҳмондўст, бағри кенг халқ. Ҳашар йўли билан хайрли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Менга қолса, буни ўзбекларнинг энг гўзал удуми, деган бўлардим. Ота-онам 1971 йилда Ульяновск шаҳридан қўриққа кўчиб келишган. Ўрта мактабни шу ерда тамомладим, бахтимни топдим. Ҳозир икки фарзандимиз бор. Шу пайтгача на корхонада, на кўчакўйда «сен келгиндисан», деган таънани эшитганим йўқ. Аксинча, ўртамизда ўзаро ҳурмат баланд. Бугунги ҳашарда корхона ҳовлисида катта миқдордаги тозалик-ободончилик ишлари амалга оширилади, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилади.

Илгари меҳнатни биз қилардигу, ҳузурини бошқалар кўришарди. Бу йил ундай эмас. Ишлаб топилган маблағ касаба уюшмаси жамғармасига ўтказилади. Ундан қандай мақсадларда фойдаланиш ўз ихтиёримизда. Бу, албатта, иқтисодий мустақиллик шарофатидир.

**Замира Итуева, тиббий ҳамшира:** — Асли доғистонликман. Жанубий Осетия, Грузия, Озарбайжон ҳамда Арманистон жумҳуриятларида юз бераётган нохуш воқеалар кўпчилик қатори мени ҳам бағоят ташвишлантирмоқда. Эҳтимол ўртада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бордир. Бу бизга қоронғу. Лекин миллатлараро муносабатларнинг кескинлашиб бораётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Қон-қардош халқларнинг бугун бир-бирига қурол ўқталиши, қон тўкилишини қандай изоҳлашни ҳам билмайсан киши. Отам Мажид Итуев Бешкўтон даштига кўчиб келганига ўттиз йил бўлаяпти. Ҳозир механизациялашган 2-кўчма колоннада экскаваторчилик қилади. II ва III даражали Меҳнат шуҳрати нишонлари билан тақдирланган. Онам хизматчи. Корхонамиз мамлакатнинг турли шаҳарларига тола жўнатади. Ўз навбатида қардош дўстларимиздан чўлга қудратли техникалар, қурилиш материаллари, турли ускуналар келиб турибди. Тўғри, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида баъзи қийинчиликлар бўлиши табиий. Лекин булар ўткинчи. Дўстлик, ҳамкорликда ҳикмат кўп. Бугунги умумхалқ ҳашарида ҳам бир тану бир жон бўлиб меҳнат қиламиз.

**Алламурод Тожиев, нафақахўр:** — Отам қирчиллама қирқ ёшида Ватан ҳимоясига отланган. Ватан... Бу сўзни тилга олганда кўз ўнгимизда беихтиёр ягона Иттифоқ намоён бўлади. Унинг хазинасини бойитиш ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ. Ҳашар ўтказиш анъаналари йиллар оша сайқал топиб, эндиликда янги мазмун касб этаяпти. Ҳашар—халқимизнинг энг яхши удумларидан бири. У тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам бетимсол. Биргаликда қилинган меҳнат унумли бўлади, қалбга эзгулик ва завқ-шавқ бағишлайди.

**Флюза Саринова, лаборант:** — Бу йилги умумхалқ ҳашарини кўтаринки руҳда кутиб олаяпмиз. Ишлаб топилган маблағ корхона ихтиёрида қолишини эшитиб, мамнун бўлдик. Ҳар ким аравани ўзи билганича ҳар томонга тортаверса, Крилов масалидаги оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа аҳволига тушишимиз ҳеч гап эмас. Наврўз байрами ҳаммамизнинг шодиёнамизга айланди. Турли миллат вакиллари ўша кунни биргаликда нишонладилар. Дошқозонларда пиширилган сумалакни ҳаммамиз баҳам кўрдик. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси, Меҳр-шафқат жамғармаси ва Қизил ярим ой жамиятининг В. И. Ленин туғилган кун шарафига жумҳурият ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги Мурожаати корхонамизда баланд руҳ билан кутиб олинди. Оиламиз аъзолари билан унда фаол қатнашишга аҳд қилдик. Турмуш ўртоғим — қозоқ, келиним Валентина — немис, куёвим Раҳмон — ўзбек. Тақдиримиз бир-бирига туташ.

**Абдумалик Кўчкинов, корхона директори:** —Юқоридаги фикрлардан англашиладики, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, Ватан тақдири учун кураш барчанинг ягона тилагига айланган. Бугунги ҳашар ҳам ана шу йўлдаги хайрли тадбирлардан бири саналади. Корхонамиз ходимларининг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш диққат марказида. Фақат бултурнинг ўзида бир миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари амалга оширилди. Янги ҳордиқ маскани ташкил этилади. Вандоб тоғи этагида кашшофлар лагери фаолият кўрсатмоқда. Ёзги чойхона, ошхона ишлаб турибди. Болалар боғчаси мавжуд. Янги ҳаммом қурилаяпти. Ёрдамчи хўжалигимизда 150 бош қорамол бўлиб, ишчиларга бепул сут, байрамларда арзон нархда гўшт берамиз. 0,5 гектар майдонда лимонзор ташкил этилган.

Янги йилдан толанинг харид нархи оширилганда ишчиларимиз хурсанд бўлишганди. Афсуски, бу қувонч узоққа чўзилмади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирча бир тонна толанинг 3700 сўм ўрнига 7970 сўм сотилишидан моддий манфаатдор бўла олмас эканмиз. Янгилик асосан хўжаликларга тааллуқли экан. Иш ҳақи ҳамда моддий рағбатлантириш тарифларига ҳеч қандай ўзгартиш киритилмаганлиги бизни ажаблантираяпти. Ҳар қалай бу масалалар ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Умумхалқ ҳашарида кўпроқ маблағ тўплашга ҳаракат қиламиз. Токи, корхонамиз маданий-маиший мақсадларда фойдаланиш, жамоа аъзоларини рағбатлантириш учун қўшимча имкониятга эга бўлсин.

**Суҳбатдош:**
**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

# ЖАМҒАРМА ХАЙРИЯГА

Ўрта Осиёда энг катта Талимаржон ГРЭСини қураётган «Узбекгидроэнергострой» бош пудратчи трестининг меҳнаткашлари Умумўзбекистон ҳашари куни асосий бино каркасини монтаж қила бошлайдилар. Бу ерда меҳнат байрамида ҳаммаси бўлиб 2,5 мингдан кўпроқ одам иштирок этади.

Бу йил иссиқлик электр станцияси қурувчилари бир неча 10 миллион сўмлик ишларни бажаришлари керак. Шундай бўлгач 20 апрель куни қилинадиган самарали меҳнат уларга келажак учун мустаҳкам пойдевор қўйиш имконини беради. Қурувчилар ва монтажчилар шу куни ишлаб топилган маблағни хайрия мақсадларига сарфлайдилар ҳамда жамоанинг ижтимоий ривожлантириш жамғармасига ўтказадилар.

# ЮКСАК УНУМДОРЛИККА ЭРИШИЛАДИ

**Оҳангарондаги «Сантехлит» заводининг жамоаси шанбалик куни республика қурилишлари учун ўнлаб танқис ванналар ишлаб чиқаради. Бунинг устига маҳсулотнинг кўпчилик қисми тежаб қолинган материаллардан, тежалган электр энергияси билан тайёрланади.**

**Республикадаги бу энг катта заводлардан бири ҳозир оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Жамоа хом ашё ва материаллар етарлича миқдорда етказиб берилмаётганлиги туфайли қийин аҳволга тушиб қолган. Бунинг устига малакали ходимлар ҳам жуда етишмай турибди. Лекин шунга қарамай, бу ерда яхши анъанани давом эттириб, 20 апрель куни ниҳоятда юксак самара билан ишлашни ният қилишган.**

# КОМБИНАТ УЛУШИ

Риштон агросаноат комбинатининг 1700 дан зиёд ишчи-хизматчилари 20 апрель куни ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида ўз улушларини қўшадиган бўлишди. Шу куни комбинат жамоаси томонидан 40 минг сўмликка яқин турли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, 4 минг сўм соф фойда олиш кўзда тутилмоқда. Ҳашардан тушган маблағнинг ҳаммаси вилоят меҳр-шафқат фондига ўтказиладиган бўлди. Бундан ташқари, комбинат ҳудуди ободонлаштирилади, баъзи ишлаб чиқариш линиялари таъмирланади, 100 гектарлик янги мевазорда турли боғдорчилик юмушлари амалга оширилади.

*Долзарб мавзуда суҳбат*

# «КИМ НИМАНИ ДАЪВО ҚИЛМОҚДА?»

**Ушбу сарлавҳа «Московские новости» ҳафтаномасининг 11-сонидан олинган. Унда Бутуниттифоқ референдуми арафасида СССРда рўй бериб турган ва таҳмин қилинаётган миллатлараро можаролар харитаси босилган. Харитага қараб турсангиз, у мамлакатнинг фуқаролар уруши давридаги аҳволини эслатади. Ўрта Осиё минтақасига қаранг-а, у бутунлай, гўё, низолар зоналарида тасвирланган. Ҳақиқатан ҳам шундаймикан-а? Бу хусусда Ўзбекистон ССР халқ депутати, республика парламенти маданият, тил, миллатлараро муносабатлар Қўмитасининг аъзоси Шаҳобитдин Зиёмов фикрлари қуйидагича:**

— «Московские новости» томонидан чизилган харитани орзу-хаёлни ҳақиқат қилиб кўрсатишга уринишдан бошқа нарса, деб баҳолай олмайман. Баъзи бир хонаки «сиёсатшунослар», шу жумладан бизнинг минтақамиздагилари ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистонда фожиали воқеаларнинг занжири, албатта, давом этишини жуда ҳам хоҳлайдилар. Улар минтақада юз бераётган рўй-рост жараёнларни кўришни хоҳламайдилар. Миллатлараро муносабатлар жабҳасидаги жараёнларни таҳлил этувчи олим сифатида ҳам, амалиётчи ходим сифатида ҳам бир нарсани айтишим мумкин: халқларимизнинг фикр-ўйлари, улар ҳукуматининг куч-ғайрати энг аввало ниҳоятда оғир ижтимоий-иқтисодий инқироздан чиқиш йўлларини ахтаришга, инсон учун муносиб бўлган турмуш шароитларини яратишга қаратилгандир. «Ким нимани даъво қилмоқда?», деган саволни, «СССРнинг энг сиёсий харитаси» ва «Ўрта Осиё — Қозоғистон» обзоридаги айрим хулосаларни мен ўша ижтимоий буюртманинг мантиқий занжирлари деб қарайман, ўша ижтимоий буюртма натижасида ўз вақтида баъзи бир марказий газеталарнинг саҳифаларида «ўзбеклар иши», «қозоқлар миллатчилиги»... хусусларида материаллар потирлаб чиқиб турган эди.

— **«Московские новости» энг сиёсий, деб таърифлаган СССР харитасига берилган қисқа шарҳда минтақадаги биронта ҳам республиканинг тинч умумий чегараси йўқ, қилиб кўрсатилган.**

— Оммавий ахборот воситалари, аввалaмбор «Московские новости» ҳафтаномаси сўнгги йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари тўғрисида салбий ижтимоий фикрни шакллантириб келдилар. Эндиликда эса ҳафтаноманинг қилган ишидан оммавий ахборот воситалари ўзлари яратган ёлғон тасаввурлар асири бўлиб қолганлигининг ва шунга таяниб узоққа мўлжалланган сиёсий прогноз яратишга уринаётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Жўғрофий сиёсий обзор муаллифлари мулоҳазаларининг бошланғич манбаи қанақалигини кўринг-а, — маълумотлар «матбуотдаги эслатишлар»дан ёки бўлмаса ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар дастурларидан олинган. Обзордан бизнинг регионимизга хос бўлган республикалараро муносабатлар ва алоқалар тўғрисида биронбир гап топишга уриниб юрманг, бунинг фойдаси йўқ.

— **Келинг, шу камчиликни тўлдиришга ҳаракат қилиб кўрамиз.**

— Маъқул гап. Энг аввало Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарларининг 1990 йил июнида бўлиб ўтган Олмаота учрашувига мурожаат қиламиз. «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг нафақат жуғрофий яқинлик, айни вақтда муштарак тарихий тақдирлар, маданиятлар, анъаналар ва расм-русумларимизнинг яқинлиги ҳам бирлаштириб турибди. Биз жумҳуриятларнинг қарор топган ҳудудлари бузилмаслигини тасдиқлаймиз ва улар кимнингдир хоҳиш-иродаси билан, бу жумҳуриятларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас». Бу сатрлар республикалар раҳбарлари қабул қилган баёнотдан. Ана шу баёнотни назарда тутганда «Московские новости» саҳифаларида минтақа республикалари ўзаро ҳудудий даъволарининг узундан-узоқ рўйхатини кўриш, бунинг устига ҳақиқатан ҳам фуқаролар уруши даврини эслатувчи хаританинг босилиши жуда ҳам ғалати ишдир.

— **Менинг назаримда, Қорақалпоғистонни этник можаролар зонаси қилиб қўйишга, уни «жанжал сабабчиси» сифатида кўрсатишга уриниш беодобликдир.**

— Қорақалпоғистон ҳақиқатан нафақат мамлакат миқёсида, балки жаҳон ҳамжамияти миқёсида эътибор беришга сазовордир. Лекин фақат энг оғир экологик фожиа зонаси сифатида, инсон меҳрини талаб қиладиган зона сифатида эътиборни талаб этади. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг барча республикалари Оролга ва Орол бўйига ғоят катта эътибор бермоқдалар. Бироқ уларни ташвишлантираётган ва эътибор беришга ундаётган нарса ҳудудий даъволар эмас, балки куч-ғайратларни мувофиқлаштириш, экологик ҳалокат оқибатларини юмшатиш учун куч-ғайрат ва маблағларни мужассамлантириш, Орол бўйида яшаётган халқлар учун турмуш шароитларини яратиш масалаларидир.

— **Оммавий ахборот воситалари материалларини шунчалар эътибор бериб таҳлил қиладиган «Московские новости»нинг сиёсатшунослари регионидаги бешта республика иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида 1990 йил июнь ойида имзолаган ва ҳозирги пайтда амалга оширилаётган шартномани «кўрмаганликлари» кишини ажаблантиради.**

— Фикрингизга қўшиламан. Олмаота учрашуви ва ундан кейин турли даражаларда бўлиб ўтаётган кўпдан-кўп мулоқотлар нафақат республикалар ўртасидаги барча алоқаларни сақлашга, балки уларни кенгайтиришга қаратилгандир...

— **Ўтган йил ёзида қонли тўқнашувлар рўй берган Ўш шаҳрида 14 мартда Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шу ҳужжатда миллатлараро муносабатлар, республикалардаги камсонли миллатларнинг ҳуқуқлари ҳисобга олинганми? Фожиа қайтарилмаслигига кафолат борми?**

— Шартнома матни ҳар икки республиканинг оммавий ахборот воситаларида босилиб чиқди. Айтилган муаммолар иккинчи, учинчи ва тўртинчи моддаларда ифодаланган. Улар фуқароларнинг, миллати, дини ёки бошқа тафовутларидан қатъий назар, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини инсон ҳуқуқлари бўйича умумэътироф этган халқаро нормаларга мувофиқ кафолатлашни назарда тутади. Республикалар ўз зиммаларига махсус шартномалар тузиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқиш, миллий муносабатларда ҳаддан ошишларнинг олдини олиш ва уни таг-туги билан йўқ қилиш учун кескин чоралар кўриш, миллатлараро можароларга йўл қўймаслик мажбуриятини олдилар...

Тўртинчи модданинг энг муҳим хусусияти шундаки, у «Қирғизистон республикасида яшовчи ўзбекларнинг, бошқа миллат вакилларининг ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида яшовчи қирғизларнинг, бошқа миллатлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳамда ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларини» мустаҳкамлайди ва кафолатлайди.

— **Ўтган йил ёзида Олмаотада Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарларининг учрашуви ва тегишли ҳужжатлар имзолангандан кейин баъзи бир оммавий ахборот воситалари буни пантуркизм ғояларининг тикланиши деб, бошқалари эса, мамлакатда бўлаётган қайта қуриш кулфатларидан ўзини четга олишга интилиш, деб шубҳаландилар. Сиз бундай талқинларга қандай қарайсиз?**

— Олмаота шартномасининг хусусияти нимада? У минтақа алоқаларининг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий жиҳатларини қамраб олади, республикаларимиз ҳамкорлигининг асосий принциплари, йўналишлари ва механизмини белгилаб беради. Шартнома ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик муаммоларни Иттифоқдан, бошқа иттифоқчи республикалардан четда туриб ҳал қилиш мумкин эмаслигидан иборат мураккаб реалликни ҳам ҳисобга олган. Унда алоҳида бир модда борки, у минтақанинг қандайдир ғаразли ниятлари тўғрисидаги ҳар қанақанги шубҳаларни улоқтириб ташлайди. Унда шундай дейилган: «Ушбу битим ҳар қандай иттифоқдош ва мухтор жумҳурият унга қўшилиши учун очиқдир».

— **Сиз Бутуниттифоқ референдумининг Ўзбекистондаги якунларини қандай баҳолайсиз?**

— Референдумнинг расмий якунлари Ўзбекистон халқлари мутлақ кўпчилигининг ҳозирги ва келажак авлодлар учун Иттифоқни сақлаб қолишга бўлган иродасини тасдиқлади. Илгариги унитар давлат эмас, балки суверен тенг ҳуқуқли давлатларнинг Иттифоқи керак. Бу «Московские новости»да берилган СССРнинг энг сиёсий харитаси» юмшоқроқ қилиб айтганда бўлмағур уйдирма эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

**Суҳбатни**
**«Правда» мухбири**
**О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ**
**олиб борди.**

**Тошкент шаҳри.**
**(«Правда» 1991 йил 18 апрель).**

